

Кам гапир!



08:00 / 15.02.2021 3090

Солиҳ ибн Абу Ахзор айтади: «Айюбга «Менга насиҳат қилинг», десам, «Кам гапир!» деди.

Айюб Сухтиёнийнинг тақвоси

Салом айтади: «Айюб Сухтиёний туни билан бедор бўлар, аммо буни яширар эди. Тонг отгач, худди энди турган одамдек, бақир-чақир қилиб юрар эди».

Фарзандларимизга баракот бер!

Ҳаммод ибн Зайд айтади: «Янги чақалоқ туғилса, Айюб уни табриклаб, «Аллоҳ таоло уни сенга ва уммати Муҳаммадга баракотли қилсин!» дер эди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан